O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2008 йил
23 апрель
ЧОРШАНБА
№ 31
(12.042)

1928 йил 11 декабрда асос солинган ● Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ● Эркин нархда сотилади

www.th.uz

## САДОҚАТ БИЛАН ХИЗМАТ ҚИЛАМИЗ

**КЕНГ майдон гавжум. Ҳарбий хизматга чақирилган йигитлар сафланишаяпти. Уларни кузатиб келган ота-оналар ҳаяжонда: ахир, фарзандлари илк дафъа бир йил муддатга олис томонларга жўнаб кетишяпти-да!**

– Ўғлим хизматга учиб-қўниб тайёргарлик кўрди, – дейди Бекобод туманидан келган Дилором Жуманова. – Бир йиллик хизмат уни улғайтиради, чиниқтиради.

Даврадаги бошқа ота-оналар ҳам унинг гапини маъқуллашади.

Шу пайт буйруқ берилиб, сафлар текисланди. Вилоятимиз шаҳар ва туманларидан ҳарбий хизматни ўташ учун жўнаб кетаётган йигитларни кузатишга бағишланган тантанали митинг бошланди. Қуролли Кучларнинг офицерлари, ота-оналар ҳаётларида бошланаётган янги камолот босқичи билан йигитларни табриклашди, ҳарбий техникани мукаммал эгаллаб, она-Ватанимиз сарҳадларини ҳамиша огоҳ туриб ҳимоя қилишга даъват этишди.

– Бу тилаклар биз учун қонун, – деди Тошкент туманидан ҳарбий хизматга отланган Рустам Эргашбоев. – Уни ҳамиша ёдда тутиб, муносиб равишда бажаришга қасамёд қиламиз.

Митинг тугади. Йигитлар ота-оналар, қариндош-уруғлар билан хайрлашиб, ҳарбий қисмларга жўнаб кетишди.

СУРАТДА: йигитларни ҳарбий хизматга кузатиш пайти.

**Еркебой БОТИРОВ олган сурат.**



*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ҚАРОРИ*

## ШАХСИЙ ЁРДАМЧИ, ДЕҲҚОН ВА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИДА ЧОРВА МОЛЛАР КЎПАЙТИРИШНИ РАҒБАТЛАНТИРИШНИ КУЧАЙТИРИШ ҲАМДА ЧОРВАЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ КЕНГАЙТИРИШ БОРАСИДАГИ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни янада кўпайтириш, шу асосда қишлоқ аҳолисининг бандлиги ва даромадларини, гўшт-сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсишини ошириш ҳамда ички истеъмол бозорининг тўлдирилишини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмаси ҳамда бошқа манфаатдор тузилмалар билан биргаликда ишлаб чиқилган:

шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтириш ва чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича комплекс чора-тадбирлар 1-иловага мувофиқ;

2008-2010 йиллардаги даврда шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида қорамоллар сони кўпайишининг мақсадли параметрлари 2-иловага мувофиқ;

2008-2010 йилларда суғориладиган ерларда ем-хашак экинлари майдонларининг ҳисоблаб чиқилган прогнози 3-иловага мувофиқ маъқуллансин.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва туманлар ҳокимлари зиммаларига мазкур қарор билан тасдиқланган тадбирларни ўз вақтида ва сифатли ижро этиш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

2. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, тижорат банкларининг 4-иловага мувофиқ шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларига қорамол сотиб олиш учун микрокредитлар ажратишни кенгайтириш тўғрисидаги таклифига;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Республика "Ўзнаслчилик" корхонасининг ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш, сервис пунктлари тармоқларини ташкил этиш йўли билан чорва молларни сунъий урчитиш бўйича ўз базасини яратиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

3. Белгилансинки, чорвачиликка ихтисослаштирилган фермер ва бошқа хўжаликларга, шунингдек, парандачилик корхоналарига ажратилган суғорма ерлар фақатгина ем-хашак экинлари экиш учун мўлжалланган ва давлат эҳтиёжлари учун пахта ҳамда донли экинлар экишда фойдаланилмайди.

"Ўзқишлоқмашлизинг" компанияси маҳаллий корхоналар – "Агрегат заводи" ОАЖ ва "Урганчеммаш" АЖ томонидан ишлаб чиқарилаётган ем-хашакни йиғиштириб оладиган техникани қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларига лизинг асосида берилишини ташкил этсин.

(Давоми 2-бетда).

Вилоят ҳаёти

### СУВ ТАРМОҚЛАРИ ТАЪМИРЛАНДИ

**Вилоят ўсма касалликлари шифохонаси биносининг маъмурий-маиший ҳамда даволаш бўлимларидаги совуқ сув тармоқлари «Тошвилоятсувоқава» очиқ акциядорлик жамияти ҳомийлигида мукаммал таъмирланди.**

Шифохона раҳбариятининг эътироф этишича, қатор йиллардан буён муаммо бўлиб келаётган масала ҳомийлик ёрдами билан ўз ечимини топди. Айни вақтда бу ерда иссиқлик тизимларини янгилаш ишлари ҳам давом этаяпти.

**Мунира ИСАЕВА.**

### КОРХОНАНИНГ ЯНГИ МАҲСУЛОТИ

**«Бекободцемент» акциядорлик жамияти ўтган йилни катта самара билан якунлади. Бу ютуқдан илҳомланган корхона жамоаси ишлаб чиқариш қувватини янада оширмоқда.**

Бу йилдан бошлаб корхонада «Клинер» деб номланган цемент ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда. Корхона бундай аъло сифатли маҳсулотни тайёрлашни ўзлаштириш мақсадида янги технологик линияни бунёд этишга киришди.

У фойдаланишга топширилгач, корхона йилига янги турдаги цемент ишлаб чиқариш ҳажмини 850 минг тоннага етказади.

**Акбар АЛИЕВ.**

Фармон ва ижро

## БАНКИРЛАР ПАРКЕНТДА ТЎПЛАНИШДИ

**«МИКРОКРЕДИТБАНК»НИНГ Паркент тумани филиалида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига микромолиявий хизматлар кўрсатиш борасида амалга оширалаётган ишлар бўйича семинар бўлиб ўтди.**

Тадбирда таъкидланганидек, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу соҳа юртимизда иқтисодиётнинг устувор йўналиши деб белгиланган. «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки мазкур тармоққа хизмат кўрсатишга ихтисослашган бўлиб, уни молиявий қўллаб-қувватлаб келмоқда.

Президентимизнинг 2006 йил 5 майдаги «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармонига биноан мазкур соҳани ривожлантириш учун ихтисослашган молиявий муассаса иш бошлаган эди. Ўтган даврда банкнинг устав капитали тўлиқ шакллантирилди. 2007 йилда 56 миллиард сўм миқдорида кредит ажратилиб, 40 мингдан ортиқ янги иш ўрни вужудга келди.

Айни пайтда банкнинг Тошкент вилоятида олтита туман филиали ва 27 та мини банки фаолият кўрсатмоқда. Кейинги икки йилда мижозлар сони 2,6 марта ошиб, ҳозир 12 мингтани ташкил этди. Уларга ажратилаётган кредит маблағлари миқдори ҳам ортиб бораяпти. Натижада мижозлар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар сифат жиҳатидан истеъмолчиларга маъқул бўлиб, экспорт ҳам қилинмоқда.

«Шунқорлар»

## «ШЕРЮРАК» ВИЛОЯТ ШАРАФИНИ ҲИМОЯ ЭТАДИ

**«КАМОЛОТ» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими кенгаши бир қатор ҳамкор ташкилотлар иштирокида «Шунқорлар» ҳарбий спорт мусобақасининг вилоят финал босқичини ўтказди.**

Ёшлар йилига бағишлаб Чирчиқдаги сержантлар тайёрлаш мактабида ташкил этилган мусобақадан мақсад ёшлар онгига ватанпарварлик руҳини сингдириш, ўсмирларни республика Қуролли Кучлари сафида хизмат қилишга ҳамда ҳарбий билим юртларига кириб ўқишга тайёрлаш, мард, жасур, куч-ғайратли қилиб тарбиялашдир.

Вилоят босқичи мусобақаларида халқ таълими тизими мактабларининг юқори синф ўқувчиларидан тузилган 14 та ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида таҳсил олаётган ўқувчилардан 7 та жамоа ғолиблик учун кураш олиб борди.

Кўтаринки руҳда ва муросасиз кечган баҳсларнинг якуний натижасига кўра халқ таълими тизимига қарашли Паркент туманидаги 1-ўрта мактабнинг «Шерюрак» жамоаси биринчи ўринни, Юқоричирчиқ туманидаги 14-ўрта таълим мактабининг «Келажак посбонлари» жамоаси иккинчи ва Қуйичирчиқ туманидаги 31-ўрта таълим мактабининг «Алпомиш авлодлари» жамоаси учинчи ўринни эгаллади.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида таҳсил олаётган ўқувчилар ўртасида Чирчиқ шаҳар хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежининг «Амир Темур», Оҳангарон шаҳар маиший хизмат касб-ҳунар коллежининг «Шерюрак» ҳамда Чирчиқ шаҳар ижтимоий-иқтисодий касб-ҳунар коллежининг «Ботирлар» жамоалари совринли ўринларни қўлга киритди.

Халқ таълими тизими мактаблари ўқувчилари ўртасидаги мусобақа ғолиби бўлган Паркент туманидаги 1-ўрта таълим мактабининг «Шерюрак» жамоаси ҳарбий спорт мусобақаларининг республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Мусобақа ғолиблари «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими кенгаши ҳамда ҳамкор ташкилотларнинг Фахрий ёрлиқлари ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

2008 йил – Ёшлар йили

## ИҚТИДОРЛИ ҚИЗЛАР – ЮРТ ФАХРИ

**ХАЛҚИМИЗНИНГ асрий орзуларини рўёбга чиқарган мустақиллик шарофати билан эртанги кунга ишонч руҳи уфуриб турган ёшларимиздаги жўшқинлик тобора юксалиб, уларни янги-янги зафарларга ундамоқда.**

«Юксак мақсадларимизга эришиш йўлида том маънода ҳал қилувчи куч, таянч ва суянч бўлишга қодир ёшлар» тарбиясига бўлган катта эътибор Ватанга муҳаббат, юртга садоқат туйғуларига бешик бўлаётир.

Вилоятимизда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Зулфия номидаги Давлат мукофотини таъсис этиш бўйича таклифларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармони ва «Ёшлар йили» Давлат дастури ижроси доирасида кўламли ишлар олиб борилмоқда. Истеъдодли ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, миллий истиқлол ғоялари ва маданий-маърифий қадриятларни ҳаётга татбиқ этишдаги ибратли фаолиятларини рағбатлантириш, баркамол хотин-қизлар авлодини вояга етказиш мақсадида уюштирилаётган тадбирлардан бири «Иқтидорли қизлар – юрт фахри» дея номланди.

Вилоят хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан ташкил этилган учрашувга Зулфия номидаги Давлат мукофоти танловларида иштирок этган, келгусида иштирок этишни хоҳлаган барча иқтидорли қизлар таклиф этилди...

Ўзбекистон хотин-қизларига бўлган ҳурмат-эҳтиромнинг рамзи сифатида қад кўтарган шоира Зулфия ҳайкали пойига гул қўяётган қизлар чеҳрасида чуқур ҳаяжон... Истиқлол шарофати билан қайтаётган ўзлик, қадрият, ғурур, ифтихор туйғулари уйғунлашган ушбу лаҳзаларнинг таърифи бемисл...

– Бугунги шодиёнага йиғилган вилоятимизнинг оқила, зукко қизлари, – деди вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Акбарова, – сизнинг гулгун чеҳрангиздаги бахтиёрликни истиқлолимизнинг ширин меваси дея атагим келди. Зеро, сиз ёшларга яратилаётган имкониятлар беқиёс. Келгусида Ватан шарафини юксакларга кўтарувчи муносиб авлод тарбиясида ҳам сизлар каби истеъдодли, иқтидорли оналар зарур.

Ҳақиқатан ҳам, Зулфия номидаги Давлат мукофоти танловида иштирок этган 2500 дан зиёд иқтидорли қизларнинг ҳар бири аниқ мақсад сари интилаётган баркамол ёшлардир. Улар учун танловда иштирок этишнинг ўзи маънавий-руҳий камолотга эришишларида муҳим аҳамиятга эга бўлади.







Шу кунгача вилоятимизнинг тўққиз нафар энг сара, иқтидорли қизлари Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори бўлдилар. Аммо, уларга ҳавас қилувчи қизларимиз беҳисоб. Хотин-қизлар қўмитаси қошида ташкил этилган «Зулфия издошлари» клуби ана шундай интилувчан, ҳаваскор ёш қизларни ўз атрофига жипслаштирди.

Тадбирнинг вилоят ҳокимлиги мажлислар залида бўлиб ўтган иккинчи қисми ана шу клуб аъзолари фаолияти, вазифалари ва республикада хотин-қизлар ва ёшлар манфаатларини ҳимоя қилиш борасида қабул қилинган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар, «Ёшлар йили» Давлат дастурида белгиланган асосий вазифаларнинг мазмун-моҳияти ва ижросига бағишланди.

Учрашувда иштирок этган Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, шоира Шарифа Салимова, Ўзбекистон юрист аёллар уюшмаси раиси Жамила Шермуҳаммедова, шоира Гулжамол Асқарованинг қизиқарли суҳбатлари тадбир иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

**Сайёра РИХСИЕВА, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

**СУРАТЛАРДА:** тадбирдан лавҳалар.

**ТАРБИЯ ҳар доим ҳам долзарб масала бўлган. Бунда адашиш ёки кеч қолиш мумкин эмас. Шу боис халқимиз тарбия масаласига жиддий қараб келади.**

## ОТАЛАР ЙИҒИНИ

Сир эмаски, бола тарбиясида отанинг роли бениҳоя муҳимдир. Лекин негадир мактабларда ўтказиладиган ота-оналар мажлисларида одатда оналар иштирок этади. Сўнгги йилларда бу айниқса, одат тусига ҳам кириб қолди. Қолаверса, мажлисдан қайтган она ҳар доим ҳам ўғлининг арзимас туюлган хатосини отасига айтавермайди. Ўзим тартибга чақириб қўяман деган фикр устун келади. Лекин вақт ўтиб, бу арзимас хато бола тарбиясига салбий таъсир кўратиши мумкин эканлигини чуқур идрок этмайди.

Якшанба куни Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан мамлакат мактабларида ўтказилган оталар йиғини айнан бола тарбиясига бағишланди. Ушбу тадбир вилоятимизда ҳам фаол ўтди. Бугунги кунда мактабларимизда 450 минг 326 нафар ўқувчи таълим олади. Ўтказилган йиғинларда 242 минг ота иштирок этди.

Йиғинда иштирок этган оталар бола тарбиясига оид ўз фикр-мулоҳазалари, таклиф ва истакларини билдирдилар. Оталар йиғинини ҳар чоракда ўтказишга келишиб олинди.

**Фотима ЖЎРАЕВА, вилоят халқ таълими бошқармаси умумий ўрта таълим бўлим бошлиғи.**

